

Тадбиркорлик давр талаби. Мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, кейинги йилларда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши натижасида тадбиркорлик субъектлари сони кўпаймоқда.

Сифатли мебеллар

Андижон шаҳрида фаолият юритаётган «Барақа» масъулияти чекланган жамияти ҳам оилавий тадбиркорликка асосланган. Бу ерда 16 хил турдаги мебеллар тўплами ишлаб чиқарилмоқда. Ошхона мебеллари тўплами, компьютер столи, стуллар, жавонлар сифати ва арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Яқинда ишлаб чиқаришнинг кенгайганлиги муносабати билан 10 нафар коллеж битирувчилари корхонага ишга қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

САМАРҚАНД

Пайариқ тумани марказида замонавий ёшлар боғи барпо этилди. Уч гектар майдонни ободлаштириш эвазига бунёдга келган бу масканга мингга яқин манзарали даракт кўчатлари ўтказилди.

Уч гектар майдонда

Боғ марказида диаметри 13 метрлик, ўзида 27 хил рангли акс эттира оладиган мусикали фаввора барпо этилган. Туман ахлига манзур бўлди. Боққа болажонларга қувонч бағишлайдиган замонавий аттракционлар ҳам ўрнатилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

ЖИЗЗАХ

Жиззах шаҳри бўйлаб қатнайидиган автобуслар сонини яна ўттизга кўпайди. Бу билан йўловчиларга хизмат кўрсатувчи транспортлар икки юздан ортди.

Яна бир кулайлик

«Отабесупертранс» масъулияти чекланган жамияти шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонларга намунали транспорт хизмати кўрсатишни ўз зиммасига олган.

Ўз мухбиримиз

БУХОРО

Ғиждувон шаҳрининг «Дегрезон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Ёшлар маркази» фойдаланишига топширилди.

Замонавий марказ

Мазкур иншоот тадбиркор Ҳалим Ҳайитов бошқараётган «Омад Меҳрангиз Ферангиз» масъулияти чекланган жамияти маблағи ва «Агробанк»нинг туман бўлими томонидан ажратилган 150 млн. сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига қурилди ҳамда жиҳозланди. Марказнинг биринчи қаватида ёшларнинг кампютер саводхонлигини ошириш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишлари учун интернет клуб, тикувчилик цехи ва «Дизайн» сервис хизмати дўкони жойлашган. Иккинчи қаватида эса маданий-оммавий тадбирларнинг ўтказиш учун 500 ўринли зал бунёд этилди.

Навқирон авлодининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, бўш вақтини мазмулини ўтказиш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш имкони яратилган замонавий марказда 32 киши иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти касб-хунар коллежларини битирган ёшлардир.

Ўз мухбиримиз



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ishonch

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясининг нашри • 2013-йил 19-сентябр, payshanba № 115 (3308)

Касаба уюшмалари — мустақиллик йилларида

Андижон шаҳри бўйлаб тунда сайр этсангиз «Кўчалар, ойдин кўчалар» дея айтиладиган кўшиқ беихтиёр хаёлингиздан ўтади. Чунки шаҳарнинг қайта қурилган кенг ва равон кўчаларини тунги ранг-баранг чироқ ва фонуслар нурга кўмиб, ўзгача чирой бағишлаган.

Ойдин йўллар сурури

Айниқса, мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами муносабати билан янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Замонавий шаҳарсозлик асосида барпо этилаётган турар жой бинолари, майший объектлар, кўча ва боғлар кўзни қувнатади. Президентимизнинг 2010 йил 18 июнда қабул қилган «Андижон вилоятида турар жой массивлари учун 2011-2015 йилларда коммунал инфратузилмасини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилаётир.

5 қаватли турар жой бинолари қуриб битказилди. Мустақиллик байрами арафасида бу ерга кўчиб қирган хонадонларда уй тўйлари нишонланди. — Хар кун эрталаб ишга йўл олганимда қайта қурилади. Президентимизнинг 2010 йил 18 июнда қабул қилган «Андижон вилоятида турар жой массивлари учун 2011-2015 йилларда коммунал инфратузилмасини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилаётир.

Андижон вилояти

кўриб, завқланаман, кўнглим фахр-ифтихорга тўлади, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири Х.Матисаев. — Айниқса, шаҳар марказидаги кўчаларимиз янги қиёфа касб этди. Ушбу қурилишлар аҳоли кайфиятига кўтаринкилик бахш этмоқда. Буларнинг ҳаммаси Истиқлол шарофатидан. Тинчлик, осейишталик ҳукм сурган юртда бундай мўъжизаларни ҳали кўраверамиз.

Бош мезон — ижтимоий ҳимоя
Мустақиллик байрами олдидан Андижон вилояти шаҳар ва туманларида, маҳалла-гузарларида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. «Андижонни обод ва кўркам гўшага айлантирайлик!» шioriга амал қилган вилоят ахли ушбу хайрли ишда фаол иштирок этди.

Янги қурилган бино ва иншоотлар атрофи кўкаламзорлаштирилди. Тан олиш лозимки, кейинги йилларда вилоят таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. — Дарҳақиқат, вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Қодиржон Парпиев. — Шаҳримиздаги Ўзбекистон, Бобур шоҳқўчаларида, Миллий тикланиш, Истиқлол кўчаларида сўнгги шаҳарсозлик анъаналари асосида қурилиш ишлари олиб борилди. Энди бундай бунёдкорликлар туман марказларида амалга оширилади. Ушбу жабҳада касаба уюшма ташкилотлари вакиллари ҳам муносиб иштирок этаётгани қувонарли.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тизимидаги 3176 та бошланғич ташкилотга 480960 нафар аъзо бирлашган. Ўтган даврда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал ҳимоялаш ишларини янада такомиллаштириш, ижтимоий шерикликини ривожлантириш, бандликни таъминлашга кўмаклашиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашларнинг маънавий савиясини юксалтириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида кўплаб ишлар бажарилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ифтихор



Ўқувчиларимнинг муваффақияти — менинг бахтим

Ўқитувчи, муаллим, тарбиячи, мураббий сўзларини эшитган ҳар бир кишининг кўз ўнгига меҳрибон, камтар, миллат келажакига масъул фидойи инсонлар гавдаланади. Халқимизнинг «Устоз отангдек улуг» деган пурмаъно ҳикмати замирида ҳам ўқитувчи ва мураббийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдек эзгу фазилатимиз муҳасам.

...Ойбек ака ҳар галгидек барвақт келиб, лаборатория хонасида навбатдаги дарсга тайёргарлик кўришга киришди. Кўнгирак чалинган, ўқувчилари хонага кириб келди. Амалий машғулот бошланди. Бу — Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожидинов номидаги академик лицейдаги одатдаги манзара. Мазкур даргоҳда билимга чан-

қоқ ўғил-қизларга кимё фанини кўнг билан ўргатиб келаятган жонқуяр муаллим. «Шўхрат» медали соҳиби Ойбек Холиқов ҳар йили ўнлаб шоғирдлари тиббиёт ва табиий фанлар йўналишидаги олий ўқув юрталарига талабалikka қабул қилинаётганини мамлакатимизда таълим-тарбия масаласига қаратилаётган улкан эътиборнинг самараси деб билади. — Бугунги ўқувчиларим би-

лан ўзимнинг ёшлик давримни қиёсасам, жуда катта фарқи кўраман, — дейди О.Холиқов. — Биз ўқиган пайтларда ҳозиргидек шарт-шароит, илмга чанқоқ ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаёқда эди. Мақтабни битирган ўқувчи қайси олий ўқув юртига ҳужжат топшириши, келажакда қайси касбни танлашни билмай қийналарди. Чунки ўша даврларда ўқувчининг иқтидори ва салоҳиятига қараб, уни ўзи қизиққан соҳага йўналтириш, шўшима билим бериш, фан тўғрақларида жалб этиш деган гаплар йўқ эди.

(Давоми 4-саҳифада).

Касаба-сайр

Юрган — дарё

Яқинда Яққаб туманидаги Қорамурча агросаноат касб-хунар коллежининг 50 нафар педагог ходими Бухоро шаҳрига саёҳатга олиб борилди.

— Сўнгги йилларда касаба уюшмаларида амалга оширилган ислохотлар туфайли бошланғич ташкилотлар макъеи ошиб бормоқда, — деди биз билан суҳбатда коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Сирожидин Саломов. — Бухорога ушатирилган саёҳат ходимларнинг ёдида қолди. Бундан ташқари, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Яққаб туман кенгаши томонидан иқтидорли коллеж битирувчиларининг 12 нафарига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдориди моддий ёрдам берилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, коллеж маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ижтимоий шериклик тамойилларига тўла амал қилишмоқда.

Касабақўм раиси Нёъмат Бойқобилов ходимлар ўртасида спорт тадбирлари уюштириш, жисмоний тарбия раҳбари Шодмон Қурбонов ўқувчилар орасидан иқтидорлиларини танаб, туман ва вилоят мусобақаларига тайёрлайди. Бундан ташқари, «Чақирув ёшгача тайёргарлик» фани ўқитувчиси Нёъмат Бойқобилов шоғирдлари ёшлар ўртасида ўтган «Шунқорлар» харбий-ватанпарварлик спорт беллашувининг вилоят босқичларида совриндор бўлишди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

2013 йил — Обод турмуш йили

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган туб ислохотлар ўз самараларини бермоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Қанлиқул туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, касалликларнинг олдини олиш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Хизмат сифати яхшиланмоқда

Туманда битта тиббиёт бирлашмаси, поликлиника ва тўққизта қишлоқ врачлик пункти аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан олис овуллардаги қишлоқ врачлик пунктларида энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланиб, шифоташкил этилган. Уларда 672 бе-

мор эмланиб, уй шароитида 457 нафар беморга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. «Бўстон» овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Қўламет жиров» қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланиб, шифоташкил этилган. Уларда 672 бе-

тарзини қарор топтириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш, яшаш жойларида тиббий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган қатор тадбирлар ҳам ташкил этилмоқда.

А.ОРТИҚБОВЕВ, ЎЗ мухбири

Етакчи минбари

Эрта бугундан бошланади

Кейинги йилларда касаба уюшмалари фаолиятида кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Аъзоларга кўрсатилаётган гамхўрликка жавобан фаоллик ҳам ошиб бораётти.

Туманимизда 125 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 26,3 фоизини 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил қилса, 50,2 фоизи аёллардан иборат. Шундан келиб чиқиб, она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Айниқса, олис қишлоқларда яшайдиган аҳоли сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш,

уларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш учун ҚВПлар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани турли касалликларнинг кескин камайишини таъминламоқда. Эл соғлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган касаба уюшма аъзоларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари доимий эъти-

борда. Жорий йилнинг ўтган даврида кам таъминланган, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган ходимларимизга 4 205 минг сўмлик моддий ёрдам, худди шундай оилаларнинг 100 нафар фарзандларига 2 200 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб бердик. Санаторийларга йўлланмалар тақдим этиш, юртимизнинг диққат сазовор гўшаларига саёҳатлар уюштириш аъзолик афзаллигининг ўзига хос ифодаси бўлаётир. Яна бир муҳим жиҳатга қисқача тўхталмоқчиман. Соҳамизга дахлдор

Хушхабар

Зуфар полвон зафар қучди

Корея Халқ Демократик Республикаси пойтахти Пхеньян шаҳрида оғир атлетика бўйича ёшлар ва катталар ўртасида давом этаётган Осёё кубогиди Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари уч олтин ва бир кумуш медални қўлга киритди.

Ёшлар ўртасида Зуфар Қодиров 105 кг.дан ортиқ вазни полвонлар баҳсида учта олтин медални қўлга киритди. У штангани даст кўтаришда 150, силтаб кўтаришда 180, иккикурашнинг умумий натижасига қўра, жами 330 кг. кўрсаткич билан барча рақибларини ортда қолдирди.

Вазни 77 кг. оғир атлетикачилар мусобақасида Файзулло Набиев штангани силтаб кўтаришда 161 кг. натижа қайд этиб, терма жамоамиз ҳисобига кумуш медал қўшди.

Нодир ҚОЗОҚОВ, Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси

Бошланғич ташкилотларда

Косонсой туман ТИФ Миллий банк бўлимига ташриф бурурган киши ўзини руҳий қувват марказига тушиб қолгандек ҳис қилади. Сабаби, мазкур муассаса касаба уюшма кўмитаси раиси Жамила Маърупова ҳамкасбларини ижтимоий, сийёсий фаоллик билан бирга, ҳамisha илгор бўлишга даъват этади. Бу борада унинг ўзи ўрнатган десак янглишмаймиз.

Фаол, фидойи, ташаббускор

Ташкилотдаги 25 нафар аъзонинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшма етакчисининг ҳиссаси катта. Бунда, банк бошқаруви билан касаба уюшма кўмитаси ўртасида 2011-2013 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси қўл келтирилди. 11 бўлим, 54 банддан иборат мазкур ҳужжатга «Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ қўшимчалар киритилди. Унга қўра 3 ёшгача бўлган боласи бор оналарга моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Бўлимда устоз-шоғирдлик яхши йўлга қўйилган. Амалиётга келган талабалар тажрибали ходимлар раҳбарлигида касб сирларини ўрганишаётди. Амалиёт давомида ўз билими ва тиришқоқлигини намойён эта олган Шаҳноза Сатторова иш билан таъминланди. Амалиётчи Доноҳон Маъмутовага эса моддий рағбатлантирилди.

Миллий қадриятларни мустаҳкамлаш асносида жамоадошлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Яхши-ёмон кунда елкадош бўлишга ўрганган ҳамкасблар Наврўз байрамида сумалак пишириб, яхши ниятлар қилишди. Эҳтиёжманд оилаларга тотли неъматдан улашди.

Касаба уюшмаси томонидан, шунингдек, Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан 3 нафар фидойи аёл тақдирланди. Бўлимда ишловчи Комилхон Масаидовнинг аҳил оиласи эса «Энг намунали оила» сифатида эътибор этилиб, муносиб тақдирланди. Утган соғломлаштириш мавсумида ишловчилардан 4 нафарининг ўғил-қизлари «Соҳил» оромгоҳида имтиёзли соғломлаштирилди. 5 нафар ходимга қорамол олиш учун банк томонидан 5 млн. сўмдан сўда ажратилди. Банкнинг республика бошқармаси томонидан 14 йилдан зиёд ишлаган ходимлардан икки нафарига телевизор, яна икки нафарига чанглотгич, 1 кишига газ плитаси, яна бир нафарига микротўқинли печ тўхфа қилинди.

Истиқлолимизнинг 22 йиллигини муносиб қутиб олиш мақсадида касаба уюшма томонидан табиат қўйнида махсус тадбир ташкил этилди. Унда иштирок этган илгор ва фаол ходимлар, тажрибали устозларга касаба уюшмасининг махсус совғалари улашди.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Истиқлол берган имкон

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш адлия органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тадбиркор қонун ҳимоясида

Адлия вазирлигида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган «Хорижий сармоа ва хусусий тадбиркорликда қонунчилик имтиёзлари» мавзусидаги матбуот анжуманида ана шулар ҳусусида сўз юритилди.

Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш борасида қонунчиликнинг такомиллаштирилиши натижаси ўлароқ рўйхатдан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди. Назорат қилувчи органлар ўтказиладиган текширишлар сони тубдан қисқартирилди ва топшириладиган ҳисобот турлари камайитрилди.

Маълумки, кейинги даврда қўбул қилинган аксарият қонун ҳужжатларида айнан «Ишбилармонлик муҳити» терминологияси кенг қўлланилмоқда. Мазкур тушунча ўзида тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига ўтказишдан тартиб, унинг тугатилишигача бўлган жараёни қамраб олади. Президентимизнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари тизимида ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Унга қўра статистик, солиқ ва молия ҳисоботларининг бир қанча турлари тугатилиб, уларнинг миқдори камайитрилди ва тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди. Рўхсат беришга оид 80 та тартиб-таомил ҳамда 15 та фаолият турининг лицензиялиниши бекор қилинди.

Бундан ташқари, тадбиркор тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган фаолиятни амалга оширишга доир «2013-2014 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар» Дастури ижросига асосан рўйхатдан ўтказиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш даврини енгиллаштириш, кредитлаш жараёнини такомиллаштириш, инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, ташқи савдо операциясини амалга оширишни либераллаштиришга оид тушунчалар берилди.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рўхсат бериш» тартиб-таомиллари тўғрисида»ги, «Ҳўжалик юртувчи субъектларнинг фаолиятига (қонунга хилоф равишда) аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунларнинг қабул қилингани тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлар доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилиши қайд этиб ўтилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича адлия соҳасида изчил фаолият юритилаётди. Масалан, жорий йилнинг утган даври мобайнида қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўллаб 898 та тақдимнома, 1054 та оғохнома ва кўрсатмалар киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 958 мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, уларнинг 29 нафари эгзаллаб турган лавозимидан озод этилди. Тадбиркорлар манфаатларини қўллаб, 736 та даъво ариза судларга киритилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири



(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

Жорий йилнинг утган вақтида бирлашма кенгаши раёсати томонидан касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятига доир 150 дан зиёд қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси назоратга олинди.

Вилоятдаги янги рўйхатдан ўтган корхона, ташкилот ва муассасаларда бошланғич касаба уюшма ташкилотларини

қилиш учун 6 млн. 800 минг сўм ёрдам қилинди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тулгунга қадар бўлган 163 нафар ёш онага моддий ёрдам учун 45 млн. 938 минг сўм йўналтирилди.

Ёшлар масаласи доимий эътиборда. Вилоятда уларни иш билан таъминлаш, касб-хунар коллежларининг амалиёт ўтаётган ўқувчилари учун ярашган иш ўринлари барқарор-



киритилиб, камчиликлар бар-тароф қилинди.

Касаба уюшмалари томонидан меҳнат жамоаларида «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш, замонавий кўргазмали воситалар билан жиҳозлаш масалаларида иш берувчилар олдига аниқ талаб ва тақлифлар киритилди. Ҳозирда мингдан зиёд ўқув муассасалари, мулкчилик шак-

дал олиб борилиб, маҳаллий хомашёдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун янги технологиялар жорий этилди. Айниқса, Асакада фаолият юритаётган автомобилсозлик корхонасининг бу борадаги улуши бекибди.

Бугунги кунда юрдошларимиз ўфтихориға айланган «GM — Ўзбекистон» қўшма корхонаси Асақанинғ ўзига хос таширф қоғозига айланган. Бу шаҳарга

борган бўлса, бугунга келиб республикамиздаги бутловчи қисмлар етказиб берувчи қўшма корхоналар сони 120 дан ошди. «Ўз Коджи», «Ўз Корам Ко», «Ўз Ауто-Аустем», «SDK Group AND», «SAELIM GMT», «Ўз Донг Во Ко» сингари унлаб қўшма корхоналар шулар жумласидан.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш деталлари ўта мураккаб бўлган бутловчи қисмлар етказиб бериш учун янги технология ва дастгоҳлар ўрнатилди. Маҳаллий кадрлар Корея Республикаси ҳамда Бразилияда иш ўрганиб қайтишди. Натижада, автомобилнинг мураккаб деталларини ҳам ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳсулот турларининг 30 фоиздан 100 фоизгача ўзимизда тайёрланмоқда.

Автомобил сифатини белгиловчи асосий омил саналган жилвакор рангли бўёқлар бўлиб, лак-бўёқлар «Ўз Донг Жу» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасидан етказиб берил-

Ойдин йўллар суртури

тузиш, ходимларни касаба уюшма аъзолигига жалб этиш бўйича изчил тарғибот ишлари олиб борилди.

— Аҳолиси зич бўлган ҳудудда янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди бирлашма кенгаши раиси Қ.Парпиев. — Жорий йилнинг июл ойиғача вилоятда 35 та янги бошланғич ташкилот тузилди, 3006 нафар ишловчи аъзоликка қабул қилинди. Касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш мақсадида бирлашма қошида «Мустаҳкам олмос» қолипчи гишт ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 40 та янги иш ўрни яратилди.


Бирлашма томонидан фуқароларнинг муурожаатлариға алоҳида эътибор қаратилмоқда. 32 та ёзма ва 85 та озаки муурожаат қонунда белгиланган тартибда ва муудатларда ўрганиб чиқилди. Жумладан, 7 нафар фуқаронинг иш ҳақи ҳисоблашни масаласидаги шикоятлари қўрилиб, масала ижобий ҳал этилди. 5 нафар фуқаронинг меҳнат шартномаси бекор қилинганлиғи юзасидан муурожаат ўрганилиб, 1 нафари ишга тикланди ва 3 нафари билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг тегишли моддаларига амал қилинган ҳолда бекор қилинганлиғи аниқланди. 8 нафар фуқаронинг моддий ёрдам ва 4 нафар фуқаронинг санаторийларга йўланма сўраб ёзган аризалари мантиқий ечим топди.

Бирлашма томонидан ташкил этилган «Ишонч телефонлари» орқали кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. 2013 йил 1 июл кунига қадар 41 нафар фуқаро томонидан маслаҳат сўраб муурожаат қилинган. Уларга амалдаги қонунлар талаби асосида маслаҳатлар берилди. Шунингдек, бирлашма биносида жамоатчилик асосида «Ҳуқуқий маслаҳатхона» ташкил этилган бўлиб, фуқароларга белгиланган тартибда ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилиши йўлга қўйилган.

«Ўзбекистон ижтимоий масуулиятли фуқаролар форуми»нинг Андижон вилоятидаги жамоатчилик кенгашида жорий йил 1 июл санасига қадар бирлашма юридик бўлими ходимлари томонидан навбатчилик ташкил этилди. Хафтанинғ сешанба кунларида навбатчиликда иштирок этган муутахассис турли масалаларда маслаҳат сўраб келган фуқароларга тушунтиришлар бериб борди. Форум томонидан ташкил этилган тадбирларда фаол иштирок этиш таъминланди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг бажарилиши қаттиқ назоратга олинган бўлиб, вилоятда 1027 та корхонадаги кам таъминланган оилалардан 2795 нафарига 171 млн. 458 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муудат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 16 та ёш оиллага 287,5 млн. сўм фоизсиз ссудалар ажратилди. Тармоқ корхоналарига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 453 та оила фарзандларига дарсликлар харид

Андижон вилояти



лигини мониторинг қилиш ҳамда иш берувчиларга тегишли тавсияларни тақдим этиш ва ижросини таъминлашга алоҳида аҳамият берилди. Шунга қўра, коллеж битирувчиларининг амалиёт ўташи ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар ижроси касаба уюшма фаоллари томонидан жамоатчилик назоратига олинди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларига эътибор кучайтирилиб, амалиёт ўташ жараёнида касаба уюшма маблағи ҳисобидан 2197 нафар ўқувчига 35,3 млн. сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган, 2011-2012 ўқув йилида коллежни битирган ёшларнинг 735 нафарига банклар томонидан 4 млрд. 549 млн. сўм миқдорда кредит берилди ва 836 та янги иш ўрни яратилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ташкил этиш бўйича 195 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти ўрганилди. Аниқланган камчиликларни бартароф этиш юзасидан, иш берувчиларга 50 та тақдимнома киритилди. Қонун бузилиш ҳолатларини жойида бартароф этиш чоралари қўрилиб, амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатилди. 40 та ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларга ҳуқуқий ёрдам берилди. 31188 та жамоа шартномасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар режалаштирилган бўлиб, ижроси юзасидан корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 4021859,0 минг сўм ажратилди. Корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича 2118 нафар вакил сайланган бўлиб, ярим йил давомида 1345 нафари ўқитилди. Улар томонидан меҳнат муҳофазасига оид 30 та қонун бузулишлари аниқланди ва касаба уюшма қўмиталари, иш берувчиларга тақдимномалар

лидан қатъи назар 600 га яқин ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда 800 дан зиёд турли ташкилот ва муассасаларда шундай хоналар фаолият кўрсатмоқда.

Бирлашма ва барча қўйи касаба уюшма ташкилотларида ҳафтанинғ ҳар чоршанбаси «Маънавият кўни» деб белгиланган, машғулотларга етук олимлар, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари жалб этилиб, долларб сийёсий воқеалар, хавфсизликка таҳди, диний экстремизм ва терроризминг олдини олиш мавзусининг Президент асарларини ўқиб-ўрганиш йўналишида маърузалар уюштирилди.

Касаба уюшмалари томонидан байрамлар муносабати билан вилоятдаги 1500 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассасаларда ишчи-хизматчиларнинг мазмуни дам олишини таъминлашга қаратилган тантанали, оммавий-маданий тадбирлар, кечалар, танлов ва концертлар ташкил этилди.

Дарвоқе, жорий йилнинг ёз мавсумида вилоятда 57 та, шундан 16 та шаҳар четигади, 41 та кундузги болалар оромгоҳи муваффақиятли фаолият кўрсатди. Оромгоҳларда болаларнинг мазмуни дам олдириш учун кўнгилочар тадбирлар, жисмоний тарбия ва спорт муносабалари ташкил этилиши каби масалалари касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан доимий назорат этиб борилади.

Асақанинғ «таширф қоғози»

Андижон вилояти ҳокимлигидан олинган маълумотга қўра, кейинги ётти йилда вилоятда ҳудудий ялли маҳсулот ҳаҳми 2 баробарга, ишлаб чиқариш маҳсулотлари 2,9, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари 1,6, қурилиш ҳаҳми 3,4 мартага ошган. Ишлаб чиқариш тармоқларида модернизация ва диверсификация ишлари жа-

келган меҳмон, албатта, биринчи навбатда, ўзбек автомобилсозлиғига тамал тошини қўйган корхонанинғ нафасини туйди. Кўчаларда бутловчи қисмлар ортган юк машиналари ёки замонавий автомобиллар ортилган автопоездларга кўзиниғи тушди.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг завод қурилиши арасида шаҳар ва туман фаоллари билан учрашувини ҳеч ёлдимдан чиқармайман, — дейди агросаноат маҳмуи ходимлари касаба уюшмаси Асака туман кенгаши раиси Х. Аҳмедов. — 1991 йилнинг октябр ойи охириларда, тумандаги «Шарқ ҳақиқати» ширкати дала шийпонида Юртбошимизнинг сўбатларидан баҳраманд бўлганмиз. Ушбу учрашувда шахримизга ўзининг асл номини бериш (Асака аввал Ленинск деб аталган), бу ерда янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши ҳақида илк марта гап бўлганди. Шунга ҳам маана 22 йил тўлаяпти.

Корхонани ташкил этишда ўзбекларга мос ва хос техник уловлар танлангани таҳсинга лойиқ. Масалан, «Дамас» автомобиллини олиб қўрайлик. У ўзбек хонадонлари учун жууда қўл келмоқда. Кўп болали ўзбек оилалари учун сайр-саёҳат ёки кундалик юмушларда беминнат дастёр вазифасини утаяпти. Шаҳар жамоат транспортдаги муаммолар ҳам «Дамас» автомобилли тўфайли ўз ечимини топди. Бугун «анжонча метро» номини олган ҳам шу автомобилдир. Хуллас, бу корхона тўфайли нафақат Асакада, балки вилоятда минглаб иш ўринлари яратилиб, оилалар турмуши фаровон бўлмоқда. Вилоятимиз индустрияси жадал ривожланишга янги-янги корхоналар ишга тушаяпти.

Мазкур завод иш бошлаган дастлабки пайтларда атиғи тўртта майда штамповка деталлар етказиб берувчи маҳаллий корхона фаолият олиб

моқда. Бугун бу ерда бошқа соҳалар учун ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқарилапти.

Коллеждан автозаводга

Автомобилсозлик заводининг равнақи серғайрат, ташаббускор, айна пайта замонавий технологиялардан боҳабар ёш мутахассисларга боғлиқ, Шунинг учун ҳам 2007 йилда туманинғ Қайрағоч қишлоғида Автомобилсозлик касб-хунар коллежи очилди. Бу масқанда йигит-қизлар етук мутахассислар бўлиб камол топиши учун барча шароит муҳайё.

«Ўзавтосаноат» компанияси ва «GM-Ўзбекистон» ЕАЖ ёшларининг назарий билимларини амалиётга таъбиқ этиш учун хомийлик ёрдамини бериб келаяпти. Узоқ қишлоқлардан келган талабалар учун 100 ўринли ётоқхона қуриб битказилди. Уларнинг касбий маҳоратини ошириш, амалий кўникма ҳосил қилишига шароит яратиш мақсадида қатор ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича ҳайдовчилик касбини ҳам ўлаштиришмоқда. Касб сирларини пухта ўрганган ёшлар бугун коллежини битириши билан тўғридан-тўғри автомобилсозлик корхонасига ишга қабул қилинапти.

— Бу йил ҳам коллеж битирувчилардан 565 нафари сафимизга қўшилди, — дейди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Мирфозил Олимов. — Улар тиббий қўриқдан ўтказилиб, мутахассисларимиз томонидан хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси қондалари билан тўлиқ таништирилди.

Бугун корхона ишчи-хизматчилари сони 8753 нафарни ташкил этади. Уларга қўлай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган бўлиб, барча ишлар маълумият ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномаларида ўз аксини топган.

Шу кунларда корхона жамоаси тарихий тадбирга — 2 миллионинчи автомобилни конвейрдан чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Бу бутун халқимиз учун ҳам қувончли воқеа бўлиши шубҳасиз.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири. Хурсандбек АРАББОВ (ЎзА) олган суратлар



Спорт

Жиззахлик спортчиларнинг жорий йилда эришган ютуқлари салмоқли бўлди.

Салмоқли улуш

Халқаро мусобақаларда вожа спортчилари 5 олтин, 4 кумуш, 5 бронза медални қўлга киритган бўлса, республика мусобақаларида 35 олтин, 31 кумуш, 51 бронза медал соҳибига айланди.

Эришилган муваффақиятларда, шубҳасиз, хотин-қизларнинг ҳам салмоқли улуши бор.

Айни пайтда болалар спорт мажмуаларида 38.705 нафар хотин-қиз спортнинг 12 тури билан мунтазам шуғулланаётди. Уларга 55 нафар аёл муррабий сабоқ бермоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Тухфа

Муסיқали фавворалар

Мустақиллик байрами муносабати билан хунармандлар шаҳри — Марғилонда жорий йилнинг ўтган даврида 31 та хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айниқса, шаҳар марказида, янги Марғилон шаҳарчасида, темирйўл шохбекати ҳудудида, ипакчилар шаҳарчасида тадбиркорлар томонидан бунёд этилган замонавий кўришдаги фавворалар болаларга бир олам қувонч улашмоқда.

Шунингдек, шаҳар марказида шарқ меъморчилиги услубида «Узбегим» тўйхонаси барпо этилди, 21-умумтаълим мактаби биноси қайтадан мукамал таъмирланди. Мустақиллик кўчасида умумий овқатланиш шохобчалари қуриб битказилди. «Тошкесар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида оилавий поликлиника биноси қайта таъмирланди, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

Муҳаммадjon МАХМУДОВ

Эътироф

Тошкент сари йўл оларканмиз, вагон купесидида икки хорижлик меҳмон бизга ҳамроҳ бўлди. Танишдик. Россия Федерацияси фуқаролари экан. Бухорога келиб «Ситорайи Моҳи Хоса санаторийи»да дам олишибди. Таассуротлари бир олам.

— Сихаттоҳларингизга гап йўқ. Нақ мўъжизанинг ўзи, — дея гап бошлади Владимир. — Яшаш шартлари, муолажалари, мазали таомлари, ходимларнинг муомаласи бизга манзур бўлди. Айниқса, маъданли суви, қўши, танага ором бағишловчи тоза ҳавосини биз бошқа сихаттоҳларда учратмаганмиз. Бўш вақтларимизда қадимий шаҳарнинг тарихий обидалари, мустақиллик йилларида бунёд этилган улкан иншоотлардан ҳайратга тушдик. Ана шундай гўшада яшашнинг ўзи катта бахт...



Янгиланган «Ситорайи Моҳи Хоса...»

Хамроҳимизнинг «Ситорайи Моҳи Хоса санаторийи» ҳақидаги эътирофида сира муболага йўқ. Ушбу маскан гломерулонефрит касалига чалинган беморларни (2 мавсумли) 5 хил йўналишда даволашга ихтисослашган ягона илмий сихаттоҳ ҳисобланади. Санаторийда иссиқ ва қуруқ иқлим шартларида асосан ушбу касалликка дучор бўлган беморлар даволанса, куз, қиш, баҳор фаслларида овқат ҳазм қилиш ва таянч ҳаракат, неврологик, сийдик йўллари, андрологик касаллиги билан оғриганлар шифо топишади.

Даволанувчилар учун яратилган шарт-шароитларнинг йил сайин яхшилаб борилаётгани натижасида сихаттоҳнинг довриги тобора кенг қулоқ ёймоқда. Ташхис қўйиш ва даволашда замонавий УТТ ва ЭКГ ускуналари, клиник ва биохимик лаборатория, тор доирадаги мутахассислар: кардиолог, невропатолог, уролог-нефролог, гинеколог, стоматологлар хизматидан мижозлар

мамнун. Даволаш омиллари ҳам анчайин кенг. Чунончи, иқлим билан даволаш, кам минераллашган сульфат-хлорид натрийли маъданли сув, замонавий физиотерапиянинг барча усуллари билан даволаш юқори самара бераётти.

Кейинги йилларда санаторийнинг энг сунгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланиши, шифокор кадрлар малакасининг оширилиши бу ерга ташриф буюраётганлар сони кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, Корея, Россия ва Хитой давлатларида ишлаб чиқарилган компютерли бошқарув аппарати ёрдамида тана умуртқаларини очик ҳавода қўзиш ва даволаш, «Нуга-Бест -500» русумли массаж каравот, кичик чаноқ аъзолари, яллиғланиш касалликларини даволашда ишлатиладиган «Андро-Гин» аппарати каби қатор замонавий тиббий жиҳозлар эл саломатлиги ҳимояси борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гап санаторий тиббий ходимлари ҳақида кетганда, энг аввало, Баҳодир Тоҳиров, Насиба Азимова, Исматулла Кенжаев, Уктам Турдиев сингари юқори малакали врачлар, Лайло Шаронова, Марям Ҳалимова, Олия Шаропова каби ҳамширалар, Сухроб Қаҳҳоров, Соҳиб Амоновдек кўли гул уқаловчилар номи тилга олинади. Даволанувчилар ва дам олувчилар уларнинг шаънига айтган илқ ва самимий фикрлар ҳам бунини исботлаб турибди:

Тлеу Мукашев, Қозоғистон, Астана шаҳри:

— «Ситорайи Моҳи Хоса санаторийи»да дам олиб саломатлигимни мустаҳкамладим. Муолажалар, хизмат кўрсатишнинг намунали ташкил этилганидан ниҳоятда мамнунман. Аҳойиб жамоанинг келгуши ишларида ҳамisha омад тилайман.

Катизе Менсеитова, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:

— Мен бир гуруҳ уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари қаторида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳомийлигида ўн кун давомида ушбу сихаттоҳда бепул дам олиб даволандим. Кўрсатилган гамхўрликдан бошим осонга етди. Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамisha мусаффо бўлсин.

Шоҳида Мамажонова, Наманган шаҳри:

— Оғир дардга чалинган эдим. Тавсияларга кўра, 3 йилдан бери ушбу санаторийга қатнайдим. Бу ернинг ҳавоси, суви ва бошқа муолажалари туфайли батамом соғайиб кетдим. Санаторий жамоасидан миннатдорман.

Ютуқлар кейинги йилларда бу ерда юз берган туб узғаришлар билан бевосита боғлиқ, албатта.

— Обод турмуш йилида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг амалий ёрдами билан сихаттоҳимизда кенг

қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди «Ситорайи Моҳи Хоса санаторийи» МЧЖ директори Самандар Хўжамқулов. — Мамлакатимиз ва хориждан келаётган дам олувчилар сафи ортди. Улар учун ҳар томонлама қўлай шарт-шароитлар яратилди. Даволашнинг замонавий усуллари қўлланилмоқда. Бошқача айтганда, халқимизга бугунги давр талаблари даражасида хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз.

Белгиланган режага кўра, 2014 йилда реконструкция ишларидавом эттирилади. Бу ердаги ўринлар сони 200 тага кўпаяди. Бассейн ва сауна ишга тушади. Рақс майдончаси, миллий йўналишдаги чойхона янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилади. Ҳудудда амалга ошириладиган катта ҳажмдаги ободчилик ишлари сихаттоҳ файзу тароватини янада бойитиб, уни жаннатмонанд гўшага айлантириши шубҳасиз.

И. ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири



Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ушбу йўналишда таълим сифати ва самардорлигини изчил оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бунини Наманган вилояти Поп туманидаги 11-сонли Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу ерда 400 нафар иқтидорли ўқувчи инглиз тилидан ташқари математика, қилиш ва биология фанларини чуқур ўрганмоқда. Мактаб-интернатнинг фан, лаборатория ва компютер хоналари, спорт зами, ётоқхона, ошхона, кутубхона, ташхис маркази ва тиббий хоналари замонавий усулда жиҳозланган.

Суратда: ўқитувчи Гулнора Ортиқова ўқувчилар Зейна Назирова ва Асҳаджон Абдуғафоров билан. Хотам МАМАДАЛИЕВ (ўза) олган сурат

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

Бугун ёшларимизнинг ўзи қизиққан ва таллаган соҳалар бўйича таълим олиши, касб-хўна эгаллаши, фан олимпиадалари, танловлар, спорт мунисобақаларида иқтидорини намойён этиши учун барча имконият яратилган. Бундан қувонмай, фахрланмай бўладими?!

Ойбек Холиқов мазкур лицейда дарс бериш билан бирга, кимё фани бўйича мамлакатимиз тарма жамоаси раҳбари сифатида иқтидорли ўқувчиларни халқаро фан олимпиадаларига тайёрлашга фаол ҳисса қўшиб келмоқда. Бу борада унга рафиқаси — Тошкент тиббий академияси қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси Разно Жўраева яқин кўмақдош.

О.Холиқовнинг меҳнатлари меваси ўқувчиларининг ютуқлари тимсолида намойён бўлмоқда. Жорий йилнинг апрел ойида Тошкент шаҳрида кимё фани бўйича ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз ўқувчилари 2 та олтин, 5 та кумуш ва 8 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Дунёнинг йигирмага яқин

мамлакатидан келган энг иқтидорли ўқувчилар ўртасида кечган билимлар баҳсида С.Сирождидинов номидаги академик лицей ўқувчилари — Билолиддин Шарофидинов ва Дилшода Ортиқбоева олтин медалга сазовор бўлди.

Бу икки ўқувчи яқинда Жаҳон кимё фани олимпиадасида бронза медалларни қўлга киритди. Билолиддин Тошкент

Ўқувчиларимизнинг муваффақияти — менинг бахтим

тиббий академиясига тест синовларисиз қабул қилинган бўлса, Дилшода академик лицейда кимё фани сирларини янада чуқур ўрганмоқда.

— Устозимиз шоғирдларини доимо изланишга ундайди, — дейди лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Д.Ортиқбоева. — Кимё фанидаги мураккаб масалаларни фақат билиш эмас, балки дарс ва машғулотлар жараёнида уларни самарали қўллаш олиш, мустақил фикрлашни, ўз қобилиятимизни намойён этишимиз учун тинимсиз ўқишимиз кераклигини уқтиради биринчи ўрини эгаллади. Дунёнинг йигирмага яқин

критицишда устозимнинг ана шундай маслаҳатлари жуда қўл келган. Келажакда Ойбек академик лицейида ўқитувчи бўлиб етишиш — энг катта озуим.

— Ўқувчиларимизнинг муваффақияти — менинг бахтим, — дейди О.Холиқов. — Президентимиз Ислам Каримов раҳномлигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол, юксак интеллектуал салоҳият ва маънавият соҳиблари этиб тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор самарасида ўқувчиларимиз фан олимпиадаларида юксак натижаларни қўлга киритаётганидан чексиз қувонамиз.

Мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишдек олижаноб мақсадни рўёбга чиқаришда давлатимиз раҳбарининг ўқитувчи ва мураббийларни эъозлашга, меҳнатимизни муносиб қадрлашга қаратаётган улкан эътибори мужассам. Бундай гамхўрликка жавобан янада фидойи бўлишимиз, келажакимиз воришларига таълим-тарбия бериш баробарида, уларга меҳр-эътибор кўрсатишимиз даркор.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
Ўза мухбири.
О. МИРСОАТОВ (ўза) олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪБОНЛАР

Дил сўзи

Мустақилликнинг энг олий неъматини — хурлигимиздир. Истиклол туфайли биз имкониятлар калитини қўлга киритдик десак, муболага бўлмайди.

Мустақиллик неъматини

Юртбошимиз Мустақилликнинг 22 йиллиги байрамида сўзлаган маърузасида «Бугун мана шу кенг майдонни тўдириб ўтирган, суянчимиз ва таянчимиз бўлиши ўғил-қизларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажак буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ўшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайидиган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонман», — дея биз ёшларга юксак ишонч билдирди.

Ёшларимиз ўз халқи ва Президенти

лан биргаликда «Урхун Энасой обидалари лексик қатлами» мавзусида илмий-тадқиқот ишмини олиб бораёган. Ҳозирда 20 дан ортиқ илмий мақолам чоп этилди. Илмий ишларим билан турли вилоятларда ўтказиладиган конференцияларда қатнашиш шарафига муяссарман. Бунда, албатта, устозларим, қолаверса, ота-онанинг меҳнати катта.

«Тил билган — эл билади» дейишади. Демак, биз қайси бир тилини ўрганмайлик, ўша халқнинг маданияти, турмуш тарзи билан ҳам танишамиз. Бунини чуқур ҳис этган ҳолда инглиз ва рус тилларини ўзлаштирдим ва айни пайтда немис тилини ўрганяман. Демак, эндиликда илмий ишларимни турли чет тилларда чоп эта оламан.

Ишончим комилки, ҳеч бир меҳнат самарасиз кетмайди. Озгина изланиш ҳам муносиб баҳосини олади. Бу жараён мустақил юрт фарзандлари қатори менга ҳам руҳий қувват бераётгани айни ҳақиқатдир.

М.АЛЛАМБЕРГЕНОВА,
Қорақалпоғистон Давлат университети талабаси

ишончини оқлаб, турли соҳаларда истеъдод ва интилишларини буй баравар намойён этиб келмоқда. Мен ҳам мана шундай ёшлар сафида эканлигимдан бениҳоят фахрланаман. 2011 йили «Келажак овози» ёшлар фестивалининг «Матбуот» йўналиши бўйича голиб деб топилдим. 2013 йилда эса «Адабиёт ва публицистика» йўналиши бўйича Республика босқичига йўллангани қўлга киритдим. Яқинда «Муҳаррир» нашриётида илк илмий-адабий рисолам «Исажон Султон ижодий портретига чиқилар» номи остида босмадан чиқди. Яқин кунларда «Турфа ранглар жилоси» номли иккинчи илмий-адабий рисолам дунё юзини кўради. Илмий раҳбарим би-

«Сурхондарё мулк маркази» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Сурхондарё вилоят Солиқ бошқармасининг 2013 йил 25 мартдаги 14-2213-сонли хати ва Сурхондарё вилоят Солиқ бошқармаси Жарқўрғон туман солиқ инспекциясининг 2013 йил 1 майдаги йиғилиш баённомасига асосан Жарқўрғон туман солиқ инспекцияси балансида бўлган, Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳовлисида сақланаётган, НЕКСИЯ русумли, д/р 75/ 19 А/ 408 бўлган, 1996 й и/ч, таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. Б/б 13 635 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 21 октябр кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2013 йил 18 октябр кунини соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2013 йил 21 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 28 октябр кунини соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2013 йил 25 октябр.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.
25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'Indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. ISSN 2010-5002

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, **Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69, **Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79, **Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43, **Reklama va e'lonlar** — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon +998 91 141-27-70; **Buxoro** +99893 653 50 81; **Sirdaryo** +998 90 999 58 30; **Jizzax** +998 94 418-67-49; **Navoy** +998 94 226-28-84; **Namangan** +998 90 260-50-77; **Samarqand** +998 93 352-50-87; **Qashqadaryo** +998 91 467-30-01; **Surxondaryo** +998 95 502-16-68; **Farg'ona** +998 90 583-49-79; **Qoraqalpog'iston Respublikasi** va **Xorazm** +998 90 719-48-00.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
N.Mahamov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosilishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 19.30

E-mail: ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va saqlandi. Sahifalovchi: H.Abdullayev

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonani manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Buyurtma 1 — 911 | 13512 nusxada bosildi | 2 3 4 5